

4-12-2019

About term and interpretation

I. Hojaliyev

Ferghana State University, Ferghana, Murabbiylar 19, fdujournal@fdu.uz

I. Ahmadjonov

Ferghana State University, Ferghana, Murabbiylar 19, fdujournal@fdu.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu>



Part of the [Linguistics Commons](#)

Recommended Citation

Hojaliyev, I. and Ahmadjonov, I. (2019) "About term and interpretation," *Scientific journal of the Fergana State University*: Vol. 2 , Article 25.

DOI: 41+415.411.12

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu/vol2/iss1/25>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific journal of the Fergana State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

УДК:41+415.411.12

ТЕРМИН ВА ТАЛҚИН МУАММОСИГА ДОИР К ПРОБЛЕМЕ ТЕРМИНА И ТОЛКОВАНИЯ ABOUT TERM AND INTERPRETATION

И.Хожалиев, И.Аҳмаджонов

Аннотация

Мақолада ўзбек тилшунослигида термин қўлланиш муаммолари ёритилган. Бир қатор олимларнинг терминлар талқинига оид қарашлари таҳлилга тортилган ҳамда мунозарали жиҳатлари очиб берилган.

Аннотация

В данной статье освещены проблемы применения термина в узбекском языкознании. Проанализированы взгляды ряда ученых относительно толкования терминов, раскрыты спорные моменты данной проблемы.

Annotation

In the given article the problems of application of the term in Uzbek linguistics. Analyzed the outlook of some scientists concerning interpretation of terms and studied problems.

Таянч сўз ва иборалар: термин, морфема, лексема, сўзшакли, лисонийбирлик, аффикс, луғавий морфема, кўшимча морфема.

Ключевые слова и выражения: термин, морфема, лексема, словоформа, языковая единица, лексемная морфема, аффиксальная морфема.

Key words and expressions: term, morpheme, lexeme, word form, language unit, lexical morpheme, affixal morpheme.

Ҳар қандай фанни ўрганиш, ўзлаштириш учун унинг алифбосидан – терминологиясидан хабардорлик зарур бўлади. Маълумки, фаннинг катта-кичик асосий тушунчалари бевосита терминлар орқали ифодаланган, терминлар ҳар қандай фан тилининг асосини ташкил этиши ҳақидаги қоида бугун аксиома мақомини олиб бўлган [1,129]. Бу қараш, албатта, тилшунослик фанига ҳам бегона эмас. Тил фанини ўрганиш, уни ўқитиш бевосита термин қўлланиш ва унинг талқини билан чамбарчас боғлиқ.

Агар ўзбек тилининг терминологик қатламига эътибор қаратсак, кейинги йилларда бир қатор жиддий ўзгаришлар юзага келганига гувоҳ бўламиз. Бунинг биринчи сабаби илм-фаннинг шиддатли ривожланиши бўлса, навбатдагиси, ХХ асрнинг охири –ХХI асрнинг бошларида, мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши арафасида ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши, “Давлат тили тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши, яъни ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар унинг терминологик қатламида ҳам ўз ифодасини топди. Учинчидан эса, глобаллашув жараёнида ахборот майдонининг кенгайиши ва ахборот узатишнинг тезлашуви ҳам терминологик

қатламдаги ўзгаришларга ўз таъсирини ўтказмоқда. Буларнинг бари термин танлаш мезонларини, терминга қўйиладиган талабларнинг мақомини янада оширмоқда. Чунки юқорида санаб ўтилган омиллар тил системасидан ташқарида бўлиб, улар экстралингвистик омиллар сифатида тил системасига ўз таъсирини ўтказмоқда. Санаб ўтилган омиллар таъсирида ўзбек тилининг ички имкониятлари асосида янги терминларнинг юзага келиши билан бирга четдан ҳам кўплаб терминлар кириб келмоқда. Бу жараёндан тил илми – лингвистика ҳам четда қолгани йўқ. Жумладан, кейинги йилларда тилшуносликда ҳам бир қатор терминлар юзага келдики, бу ҳодиса юқоридаги омилларнинг таъсири натижасидир. Бундай терминлар сирасига *антропоцентрик парадигма, прагматика, имманентлик, когнитивлик, контрастив лингвистика, лисон, лисоний қолип, луғавий шакл ҳосил қилувчилар, синтактик шакл ҳосил қилувчилар, субстансиал тилшунослик, формал тилшунослик, зот, тажалли, умумийлик, алоҳидалик, моҳият, ҳодиса, имконият, воқелик* ва шу кабиларни киритиш мумкин.

Тилшунослик илмига четдан кириб келган терминлар (*антропоцентрик парадигма, прагматика, имманентлик, когнитивлик,*

И.Хожалиев– ФарДУ, филология фанлари номзоди, доцент.
И.Аҳмаджонов– ФарДУ, магистрант.

ИЛМИЙ АХБОРОТ

контрастив лингвистика, генератив семантика, когнитив семантика, фрейм, концепт, дискурс, денотат, сигнификат, интенционал, экстенционал, импликационал, субстансиал тилшунослик) рус тилшунослиги ёки чет эл тилшунослигида юзага келган тилга оид назарияларни ўзлаштириш натижасида тўғридан тўғри ёки рус тилшунослиги орқали олинди. Айрим ўзбекча терминлар эса рус ва чет эл тилшунослигидаги терминларни ўзбек тилида мавжуд бўлган сўзлар (*лисон, лисоний қолип, луғавий шакл ҳосил қилувчилар, синтактик шакл ҳосил қилувчилар, формал тилшунослик, зот, тажалли, умумийлик, алоҳидалик, моҳият, ҳодиса, имконият, воқелик*) билан алмаштириш ёки бошқа фан соҳаларида мавжуд бўлган терминни тилшуносликка олиб кириш натижасида юзага келди. Тилшуносликда янги терминларнинг пайдо бўлиши, бевосита тил ва нутқни фарқлаш натижасида янги илмий парадигмаларнинг юзага келиши ҳамда аввалдан мавжуд бўлган тил бирликларини янгича талқин қилишга олиб келди.

Вақт номли тушунча бор экан, ҳамма нарса ўзгариб бораверади. Юнон файласуфи Гераклит айтганидек, “Бир дарёга икки марта тушиш мумкин эмас. Ҳамма нарса оқади, ҳамма нарса ўзгарувчан” [2, 122]. Бу ибратли фикр Тилшунослик учун ҳам бегона эмас. Маълум вақт давомида “вербоцентриқ” назария (А.Нурмонов атамаси) ҳукмронлик қилган бўлса, вақт ўтиши билан морфоцентриқ (А.Нурмонов) назарияга ўз ўрнини бўшатиб берди. Натижада морфеманинг тилшуносликдаги ўрнини белгилаш тўғрисида турли хил қарашлар шаклланди. Бу эса “морфема ўзи нима? У ўзбек тилшунослигида қандай ўрганилган, қандай талқин қилинган?” каби саволларга жавоб топишни заруратга айлантирди.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида морфема “(юн. *morphe* — шакл) — ўзига хос шакл ва маънога эга бўлган, бошқа маъноли қисмларга бўлинмайдиган, сўз (лексема) яшаш ёки сўзнинг шаклини ҳосил қилиш учун хизмат қиладиган лисоний бирлик. Морфемалар ўзбек тилида, асосан, аффикс (қ.) ҳолатида бўлади” [3,749], деб таърифланади. Бу таърифга биноан, морфема қўшимча

шаклида келади ва у янги сўз яшаш ва сўзнинг шаклини ҳосил қилиш учун хизмат қилади. Бу ўринда морфема термини аниқ ва тушунарли таърифланган бўлиб, уни бошқа тил бирликларидан шакл ва мазмун жиҳатдан фарқлайди, яъни унинг биринчи белгиси (ифода жиҳатдан) қўшимча шаклида бўлади, иккинчи белгиси (вазифа жиҳатдан) сўз яшашга ва сўз шаклини ҳосил қилишга хизмат қилади. Профессор Н.Маҳмудов таъкидлаганидек, бу таъриф “фанни ўрганиш, ўзлаштириш учун унинг алифбоси” вазифасини ўтайди. Бироқ мавжуд дарслик ва илмий адабиётларда морфемага берилган таъриф бу атамани фанни ўрганиш, ўзлаштириш учун унинг алифбо вазифасини бажариш қимматини хиралаштиради. Жумладан, Ҳ.Неъматов, Р.Расуловлар морфемани “Морфема тилнинг энг кичик маъноли бирлиги бўлиб, бошқа маъноли қисмларга бўлинмайди... (сувчи) сўзи таркибидаги сув ва -чи морфемаларга мисол бўла олади. Морфемалар луғавий ва қўшимча (ёки умумлашма), грамматик-аффиксал морфемаларга ажратилади. Бунда (сув) луғавий морфема, (-чи) эса қўшимча морфема (умумлашма, аффиксал, грамматик) морфема сифатида қаралади [4,12], деб таърифлайдилар. Морфеманинг бундай талқини тилнинг системавий табиатини шубҳа остига қўяди. Тил система сифатида маълум сатҳлардан ташкил топади. Айнан бир нарсанинг икки сатҳга мансуб бўлиши (луғавий ва грамматик) тил назариясининг сатҳлар иерархияси қонуниятига мос келмайди. Бу эса ўрганувчини (ўқувчини) чалғитади. Чунки бу фикрлар морфеманинг майдонини кенгайтириб, лексемаларни ҳам ўз ичига олишини кўрсатади ва лексеманинг тилдаги ўрни йўқолишига олиб келади. Чунки “морфема” атамаси лексик сатҳ учун ҳам (лексик морфема), морфемик сатҳ учун ҳам (қўшимча морфема) бирдек қўлланилади. Бу эса морфема атамасини “сўз (лексема) яшаш ёки сўзнинг шаклини ҳосил қилиш учун хизмат қиладиган лисоний бирлик” деган таърифни мавҳумлаштиради. Бундай қараш олий ўқув юрти дарсликларидан ҳам кўзга ташланади. Жумладан, олий ўқув юртлари учун дарслик сифатида тасдиқланган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигида морфема атамаси қаторига ёрдамчи сўз сифатида тилшуносликда эътироф этилган

бирликлар ҳам киритилади. Бунда улар оралиқ учинчи сифатида баҳоланади. Яъни, “Тилимизда ёрдамчи сўз деб аталувчи катта гуруҳ ҳам бор бўлиб, лексема ва морфема орасида “оралиқ учинчи” мақомида бўлади. Шунинг учун уларни **лексема-морфема** (таъкид бизники – И.Х., А.И.), дейиш мумкин. Ёрдамчи сўзнинг лексемалиги шундаки, у мустақил сўз каби ажралганлик хусусиятига эга. Бироқ шаклланувчанликка эга эмас. Луғавий маънога эга эмаслиги уни морфемик майдон сари тортиб туради” [5,132], дейилади. Бу таъриф морфема атамаси маъносини янада мавҳумлаштиради. Яъни лексема-морфема атамаси тилнинг икки сатҳ бирлигини умумлаштиради. Лексема лексик сатҳ бирлиги бўлса, морфема морфемик сатҳ бирлиги саналади. “Оралиқ сатҳ” тушунчаси терминологик маъно бера олмайди. Чунки терминда тушунча ва сўз маъноси тенглашиши билан оддий сўздан фарқ қилади. Термин аниқ таърифга эга бўлади ҳамда у ифодалаган тушунча бир пайтнинг ўзида икки сатҳга оид бўла олмайди.

Ш.Раҳматуллаев эса “Морфемаларни табиатига кўра аффикс, аффиксоид, лексик табиатли морфема деб, уч турга ажратиш мумкин”[6,115-116], деб қарайди. Лексик табиатли морфема деб кўмакчилар ва кўмакчи феълларни назарда тутса, аффиксоид деб *хона*, *нома* каби ўрни билан сўз яшаш учун ҳам хизмат қилувчи (*ишхона*, *ошхона*, *чойхона*; *таклифнома*, *айибнома*, *рухсатнома* каби) лексик бирликларни назарда тутди. Тўғри, кўмакчилар

келишклар бажарган вазифани бажаради, бироқ вазифа жиҳатидан кўшимчага ўхшагани билан шаклан сўзга тенг келади. Шунинг учун улар алоҳида морфология бўлимида ўрганилиб келинган.

Т.Мирзақулов эса “мустақил морфема”, “ёрдамчи морфема” атамаларини қўлланади ва мустақил сўзларни мустақил морфема сифатида, кўшимчаларни ёрдамчи морфема сифатида талқин қилади [7, 23-24].

Юқоридаги таъриф ва талқинлардан шу нарса маълум бўладики, морфеманинг мақомини белгилашда унинг шаклий, вазифавий ва маъно жиҳатлари қориштириб юборилади. Натижада, “луғавий морфема”, “грамматик-аффиксал морфема” (Ҳ.Неъматов); “лексема-морфема” (Р.Сайфуллаева ва б.); “аффикс, аффиксоид, лексик табиатли морфема” (Ш. Раҳматуллаев); “мустақил морфема”, “ёрдамчи морфема” (Т.Мирзақулов) атамалари юзага келадик, бу, тил илмида чалқашликни келтириб чиқаради. Бизнингча, морфемани “ўз ифода ва маъно жиҳатига эга бўлган, сўз яшаш ёки сўз шаклини яшаш учун хизмат қиладиган лисоний бирлик” [8,40] сифатидаги талқини мақсадга мувофиқ бўлиб, морфемага шаклий, вазифавий ёки маъно жиҳатдан ўхшаш ёки яқин бўлган бирликларни тилнинг системавийлик табиатидан келиб чиқиб ўрганиш, уларни морфемик бирликларга қориштирмаслик кутилган натижани беради ва таълим-тарбия жараёнидаги бир қатор муаммоларни ҳал этиш имконини яратади.

References:

1. Mahmudov N. Til tilsimi tadqiqi. –T.: MUMTOZ SO‘Z, 2017.
2. Sagdullaev A.S, Kostetskiy V.A. 6-sinf. Qadimgi dunyo tarixi. –T.: Yangi yo‘l poligraf servis, 2017.
3. O‘zbekiston milliy entsiklopediyasi. -M harfi. –T., 2000-2008 .
4. Ne‘matov H., Rasulov R. O‘zbek tili sistem leksikologiyasi asoslari. –T.: O‘qituvchi, 1995.
5. Sayfullaeva R., Mengliev B.R., Boqieva G.H., Qurbonova M.M., Yunusova Z.Q., Abuzalova M.Q. Hozirgi o‘zbek adabiy tili . – T.: Fan va texnologiya, 2010.
6. Rahmatullaev SH. Hozirgi adabiy o‘zbek tili. -T.: Universitet, 2006.
7. Mirzaqulov T. Grammatika o‘qitishning lingvistik asoslari.-T.: O‘qituvchi, 2010.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)